201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 21 (21), 2020 йил 22 февраль, шанба

ҚУРИЛИШ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ОИД ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19-20 февраль кунлари ташриф билан Туркияда бўлди.
Давлатимиз раҳбари ушбу самарали ташрифнинг эртасигаёқ ўз иш кунини ҳар доимгидек қизғин фаолият билан бошлади. 21 февраль куни Шавкат Мирзиёев жорий йил Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган қурилиш ва ижтимоий лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз ташаббуси билан аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг ҳаётдан розилигига эришиш, тиббий хизмат ва таълим сифатини юксалтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

2020 йилда Тошкентда кенг кўламли бунёдкорлик лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, Бектемир туманининг Мажнунтол, Бектемир, Олтин топган, Бинокор маҳаллалари, Ҳусайн Бойқаро, Зироат кўчалари бўйлаб умумий узунлиги қарийб 18 минг погон метр янги ичимлик суви қувурлари ётқизилиши мўлжалланган. Бунинг натижасида 6,8 мингдан ортиқ аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланади. Бу пойтахтимизда марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 100 фоизга етказилишини англатади.

Тошкент шаҳридаги "Бўзсув" ва "Салар" сув тозалаш иншоотлари қувватини суткасига 200 минг метр кубга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги 1 564 та кўп қаватли уйларда аҳолига 5 001 та лифт хизмат кўрсатмоқда. Мавжуд лифтларнинг 3 343 таси муддатини ўтаб бўлган. Охирги 4 йилда 572 та лифт янгиланди.

Президентимизнинг Учтепа туманига ташрифи чоғида берилган топшириқларга мувофиқ, жорий йилда 697 та лифтни янгилаш кўзда тутилган. Йилига 700 тадан лифт янгиланса, яқин 5 йилда пойтахтдаги муддатини ўтаб бўлган лифтларнинг барчасини алмаштиришга эришилади.

Шунингдек, кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш жараёнида 100 та болалар майдончасини қуриш, 2 та янги автотураргоҳ барпо этиш, йўлакларнинг 100 000 метр куб қисмини бетонлаштириш, 10 000 погон метр ирригация тизимини таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 20,8 миллиард сўм ажратилиши белгиланган.

Тошкент шаҳри кўчаларини ёритиш тизимини ривожлантириш ва автохўжалик техникаларини янгилаш дастурлари амалга оширилади. Умумий ҳисобда 1,047 минг квадрат метр йўллар таъмирланади.

Жорий йилда Бектемир, Олмазор, Шайхонтоҳур, Яшнобод туманларида янги мактабгача таълим муассасалари қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, Бектемир ва Яшнобод туманларида мактаб, Сергели туманида кўп тармоқли шифохона, Чилонзор ва Яшнобод туманларида оилавий поликлиника, Сергели ва Олмазор туманларида янги маданият марказлари қурилиши белгиланган.

Президентимизга ана шу лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Уларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, жорий йил Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш масалалари бўйича ҳам давлатимиз раҳбарига атрофлича маълумот берилди.

Жумладан, Олимпиадада иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси учун махсус кийимлар жамланмаси дизайни ҳам тақдим этилди.

Олимпия ўйинларида мамлакатимиз миллий рамзлари уйғунлашган спортчилар либослари ва экипировкалари эскизи бўйича аввалроқ танлов эълон қилинган эди. Унда корхоналар дизайнерлари, якка ҳолда ижод қилувчи ҳаваскор ва профессионал дизайнерлар иштирок этди. Тақдим этилган барча эскизлар ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган юртимиз спортчилари ва спорт ишқибозлари учун либослар дизайни ва эскизлари юзасидан ўз тавсияларини билдирди. Шунингдек, Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиадага жуда катта тайёргарлик кўриш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифаларни белгилаб берди

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН янгиликлари

ХАЛҚАРО ҲАЁТ: Миллий институтлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий мулоқот

Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ делегацияси Буюк Британияда сафарда бўлди. Ташрифдан кўзланган мақсад парламентаризмни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштириш борасида ўзаро тажриба алмашишдан иборатдир. Делегацияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, мазкур марказ директори Акмал Саидов бошчилик қилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: Бутун дунёда тиббиёт текин эмас

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан йиғилиш ўтказилди. Унда депутатлар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларига аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди. Ордернинг ҳар кимга эмас, балки айнан эҳтиёжманд фуқарога ажратилишига эришиш, ордер ажратишни бир идора тасарруфидан чиқариш, барча юртдошларимиз очиқлик тамойили асосида йўлланмаларнинг ажратилишини кузатиб боришларини таъминлаш тизимини йўлга қўйиш таклиф этилди.

ИҚТИСОДИЁТ: «Анор» банклараро тўлов тизими ишлаб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Анор» тезкор тўлов тизимини ишлаб чиқди. Ушбу тизим реал вақт режимида, туну кун, дам олиш ва байрам кунларида узилишларсиз юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар ўртасида банклараро ўтказмаларни амалга ошириш имконини беради. «Анор» тизими электрон рақамли имзодан фойдаланувчи web-сервис технологияларига асосланган бўлиб, масофали банк хизматларидан фойдаланган ҳолда, тўловчиларнинг тўлов йўл-йўриқлари асосида банклараро тўловларни амалга ошириш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИГА АСОС СОЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди

Давлатимиз раҳбарининг Туркия ташрифи кутилганидан ҳам самарали бўлди. Давлат раҳбарлари 19 февраль куни Анқара шаҳрида дастлаб тор доирада музокара ўтказди. Президентлар раислигида Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Музокараларда мамлакатларимиз ҳамкорлигига оид барча масалалар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги асосий вазифалар ҳамда қўшма лойиҳалар юзасидан келишувларга эришилди.

Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши натижалари тўғрисида Қўшма баёнот, шунингдек, иқтисодиёт, савдо, технологиялар соҳасига оид ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи кунида давлатимиз раҳбари Туркиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Туркия Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида иштирок этди.

ЎзА мухбири ушбу ташриф ва унинг натижалари ҳақида туркиялик сиёсатчилар, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда Ўзбекистон делегацияси аъзоларидан интервьюлар олди:

Лутфи ЭЛВАН,
Туркия Буюк миллат мажлиси режалаштириш ва бюджет ишлари бўйича комиссия раиси:

— Туркия ва Ўзбекистон Президентлари ҳамраислигида ўтган икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишида фан-таълим, соғлиқни сақлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳаларда муштарак ишларни амалга оширишга келишиб олинди. Бу соҳаларда қатор келишувларга эришилди. Мен бу кенгаш йиғилишини юксак баҳолайман.

Туркия ишбилармон доиралари вакиллари билан муҳим учрашувда Шавкат Мирзиёев туркиялик тадбиркорлар билан дилдан суҳбатлашди, уларнинг таклифларини тинглади, мутасаддиларга бу борада аниқ топшириқлар берди. Ишбилармонлар ушбу йиғилишдан жуда мамнун бўлди.

Бугундан эътиборан, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорликнинг янги форматига асос солди. Ўзбекистон Туркистоннинг қадимий маркази, илм-маърифат ва маданият ўчоғидир. Ушбу ташриф доирасидаги учрашувлар қисқа даврда юртингизнинг туркий давлатлар ўртасида юксак тараққиётга эришишидан далолат берди. Биз бунга қатъий ишонамиз. Албатта, биз ҳам қараб турмаймиз, Ўзбекистонга керакли ҳар қандай ёрдамни аямаймиз.

Рифат ҲИСОРЖИҚЛИ ЎҒЛИ,
Туркия савдо палаталари ва товар биржалари раиси:

— Президент Шавкат Мирзиёевни Туркияда кўриб турганимиздан жуда хурсанд бўлдик. Биз давлатингиз раҳбари билан учрашув ўтказдик. Ўзбекистон — бизнинг ота Ватанимиз. Турк ишбилармони сифатида, Туркияда амалга оширган лойиҳаларни ота Ватанда-да ҳаётга татбиқ этишни истаймиз.

Тўғрисини айтганда, бугунги йиғилишда муҳтарам Шавкат Мирзиёев бизга ишонч ва жасорат берди. Иншоаллоҳ, биз ҳам бу ишончни оқлашга тайёрмиз. Бугунги учрашув ҳақиқатан ҳам жуда самимий ва очиқ бўлди. Ким қандай лойиҳаларни амалга оширишни истайди, қайси йўналишда ўз келажагини мамлакатингизда кўраяпти — барчасини гаплашиб олди. Президент шу жойнинг ўзида тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Қолаверса, Ўзбекистон ҳукумати, фақат турк ишбилармонлари билан ишлаш учун 5 кишини ажратгани бизни жуда ҳам хурсанд қилди.

Давоми 2-бетда

"ОЗАРБАЙЖОНДА АЛИШЕР НАВОИЙНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИДАН КАМ СЕВМАЙДИ"

Буюк ўзбек мутафаккири ва шоири Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги хорижий мамлакатларда ҳам кенг нишонланмоқда. Жорий йилнинг 21 февраль куни Озарбайжон Республикасининг Боку шаҳрида ушбу санага бағишланган адабий-илмий тадбирлар ташкил этилди.

Боку шаҳрида ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида Озарбайжоннинг давлат ва жамоат ташкилоти раҳбарлари, адабиёт ва санъат намояндалари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда мамлакатимиздан ташриф буюрган бир гуруҳ ижодкор-зиёлилар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш.Файзиев, Озарбайжон Миллий илмлар академияси вице-президенти, Низомий Ганжавий номидаги адабиёт институти директори И.Габиббейли, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ сўзга чиқиб, Алишер Навоий башарият шоири эканлиги, унинг ижоди бугун дунёнинг кўплаб давлатларида севиб мутолаа қилинишини алоҳида таъкидлади.

Давоми 6-бетда

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ ЯҚИН КЕЛАЖАКДА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Руслан ГРИНБЕРГ,
Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти илмий раҳбари, РФА мухбир-аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган, халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари ва жаҳон ОАВдан ижобий баҳо олган ислоҳотлар кўлами ва самарадорлиги давлат бошқарувида замонавий воситалар — стратегик режалаштириш ва индикатив мониторингдан самарали фойдаланилаётганидан далолат беради. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бунга ёрқин мисолдир. Унинг таҳлили мамлакат Президенти Ш.Мирзиёевнинг узоқни кўра олишига ишончни оширади, шунингдек, у мавжуд вазиятни, ички ва ташқи муаммоларни объектив баҳолаш, мавжуд ресурслар ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш механизмларини мақсадга йўналтира олиш қобилиятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Ҳаракатлар стратегиясига содиқлик яна бир карра намоён бўлди.

Мурожаатнома Ўзбекистон ва дунёда кечаётган ҳаққоний жараёнларни чуқур баҳолашдан келиб чиққан ҳолда мамлакат олдида турган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт соҳасидаги янги вазифаларни белгилаб берди. Шу билан бирга, таъкидлаш муҳимки, **жамият илк бор очиқ ва ишчанлик билан йиғилиб қолган муаммоларни кенг муҳокама қилиш ва келгуси ривожланиш йўлларини таклиф этиш имконига эга бўлди.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган уч йил мобайнида Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ўзгаришлар юз берди.

Лекин энг муҳими Президент тилидан айтилади: **"Аввалги йиллардаги кўрқув йўқолди".**

Ўзбекистон қисқа давр ичида ташқи дунё учун ёпиқ мамлакатдан постсовет макондаги очиқ иқтисодиётга эга етакчи давлатлардан бирига айланмоқда.

Ўтган уч йилда аҳоли жон бошига харид қобилияти кўрсаткичи бўйича ялпи ички маҳсулот 7 минг доллардан ошди, яқин-яқингача эса бу кўрсаткич **4-5 минг доллар** даражасида эди. **ЯИМ ўсиши бўйича Ўзбекистон МДҲнинг деярли барча мамлакатларидан ўзиб кетди.**

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг бориши мантиқий жиҳатдан энг самарали иқтисодий ислоҳотлардан бири — "немис иқтисодий мўъжизаси"га ўхшашдир

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 22 февраль, 21-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Жорий йил 19 февралда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбариятининг (И.У.Мажидов) ҳисоботи эшитилди. Мажлисда 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон фармонини амалга ошириш, ёшларни олий таълим билан қамраб олишни кенгайтириш, янги маҳаллий олий таълим муассасалари ва хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини ташкил қилиш, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича табақалаштирилган тизимнинг янги моделини жорий этиш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилганлиги таъкидланди.

Мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаларида белгиланган стратегик кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, вазирлик раҳбарияти (И.У.Мажидов) ва олий таълим муассасалари ректорларининг эътибори 2020 йилда ва кейинги йилларда тубдан ҳал этишни талаб қиладиган бир қатор устувор вазифаларга қаратилди. Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика ҳудудлари эҳтиёжларига мувофиқ олий таълим муассасаларига қабулни кўпайтириш, таълим жараёнини илғор хорижий таълим дастурлари асосида ташкил этиш, ўқитишнинг кредит-модел тизими жорий қилинишини таъминлаш шулар жумласидандир. Шунингдек, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига янада фаол жалб этиш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини оширишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ҳар ойлик махсус журнал нашр этиш зарурлиги қайд этилди.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси раҳбариятининг (А.Бекмуродов) алоҳида эътибори хорижий тилларни биладиган йигит ва қизларни, ёш олимлар ва мутахассисларни танлов асосида саралаб олиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, уларни энг илғор хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларга ўқитиш ва стажировка ўташ учун юборишнинг янада самарали механизмларини яратиш, республика олий таълим жараёнига тажрибали чет эллик мутахассисларни жалб қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратилди.

Раёсат мажлисида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун ижросининг таъминланиши танқидий кўриб чиқилди. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, "Давергеодезкадастр" қўмитаси ва бошқа ташкилотлар масъул раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил 20-21 январда Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида ҳамда 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномада белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини оширишга доир аниқ чора-тадбирлар комплекси белгиланди.

Раёсат мажлисида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида" 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси якунлари бўйича уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Раёсат мажлисида 2020 йилнинг устувор вазифаларини амалда ҳал этишга қаратилган бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИГА АСОС СОЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Вахит ЙИЛДИРИМ,
"Гебзе" уюшган саноат зонаси бошқарув раиси:

— Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан учрашганимдан бахтиёрман. Дунёда масалага бундай чуқур ёндашадиган, бир кунда кўп ишни битирадиган етакчилар жуда кам.

"Гебзе" махсус саноат зонаси 1986 йилда ташкил этилган. Унинг муваффақиятли фаолияти Туркиядаги бошқа саноат ҳудудлари учун яхши модель бўлган. Эндиликда дунёга ҳам чиқяпмиз. Хорижий мамлакатларда 6 та лойиҳамиз бор. Навбатдагиси Ўзбекистонда бўлади. Бу биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки маданиятларимиз, интилишларимиз муштарак.

Президент Жаноби Олийлари Ўзбекистонда хорижлик тадбиркорлар учун махсус қонунлар чиқарилиб, ҳуқуқий асос яратилганини айтди. Энди биз инфратузилмани тайёрлаб, лойиҳани амалга оширишимиз зарур.

Ишонамизки, бу саноат зонаси хориждан сармоялар оқими кўпайишига, бошқа шундай зоналарнинг ривожланишига хизмат қилади.

Анвар ЮЖЕЛ,
Бахчешеҳир университети васийлик кенгаши раиси:

— Ўзбекистонга тиббий таълим йўналишида сармоя киритмоқчиман. Президентингиз билан учрашувда бу ҳақда батафсил маълумот бердим. Еттита давлатда университет очганмиз, 200 мингга яқин тиббиёт мутахассиси тайёрлаганмиз. Айни йўналишда 52 йиллик тажрибага эгамиз.

Ўзбекистонда, дастлаб Тошкент шаҳрида болалар боғчасидан тортиб, университетгача бўлган лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Университетимиз тиббиёт йўналишида фаолият олиб боради, унинг ёнида шифохона қурилади. Улар бир-бири билан боғлиқ бўлади, назария ва амалиёт уйғунлашади. Ушбу мажмуалар биноларини тез фурсатларда қуришга розилик олдик. Бир йил ичида ўз фаолиятимизни йўлга қўямиз.

Билгихан КУРУ,
"Зираат банк" бош директори ўринбосари:

— Ўзбекистон банк-молия сектори билан бир неча йилдан бери ҳамкорлик қилиб келяапмиз. Ўзбекистонда тўртта филиалимиз бор. Келгусида улар сонини 10 тагача етказамиз. Фақат филиалларни кўпайтириш эмас, балки рақамлаштириш орқали профессионал банк хизматларини кўрсатиш режамиз бор. Одамлар уйидан туриб банк хизматларидан баҳраманд бўлади.

Ўзбекистонда турли лойиҳаларни молиялаштириш, келгусида қайси соҳаларга эътибор бериш биз учун жуда муҳим. Асосан қишлоқ хўжалиги, туризм, меҳмонхоналар қурилиши, ишлаб чиқариш соҳаларига кўпроқ маблағ ажратишни режалаштирганмиз. Бунинг учун давлатингиз ҳар томонлама кўмак беришга тайёр экани бизни мамнун қилмоқда.

Айнан ТУҒЛИ,
Туркия Президенти девони Халқ кутубхонаси директори:

— Туркия Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонаси Туркиянинг энг катта кутубхонасига айланди. Қурилиш ишлари тахминан уч йил давом этди. Кутубхонада 400 мингта босма адабиёт, айни вақтда 2 миллионта китоб ва 2 милллионта даврий матбуот бор. Ўқувчилар учун 350 мутахассис хизмат кўрсатади. Баъзи бўлимлар дам олиш кунисиз, 24 соат давомида ишлайди.

Кутубхонада илмий изланишлар олиб бориш учун барча шароит бор. Мутолаа, гуруҳ билан ишлаш заллари ва кутубхона юраги деб атайдиганимиз Жаҳоннома зали мавжуд. Бу зал жаҳоннинг жуғрофий рамзи, буюк сайёҳ ва ёзувчи Челебийнинг "Жаҳоннома" асари тимсолидир. Залдаги 16 устун туркий халқлар бирлигини англатади. Залда 100 дан ортиқ мамлакатдан келтирилган 104 тилдаги китоблар жамланган.

Ўзбекистон Президенти бу борада ташаббус кўрсатиб, нодир китобларни кутубхонамизга совға қилганидан беҳад мамнун бўлдик. Келгусида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликни кучайтириб, ўзаро тажриба алмашиш, ноёб асарлар ва қўлёзмаларни ўрганиш, биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз. Бу борада Ўзбекистоннинг бизга бу қадар эътибори қувонарлидир.

Сардор УМРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири:

— Анқарада ўтган Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик ҳамкорлик кенгаши йиғилиши ва Туркия ишбилармонлари вакиллари билан учрашувдаги руҳ мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихида ҳали кузатилмаган. Давлатимиз раҳбари Туркия компаниялари билан алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳозир туркиялик сармоядорлар мамлакатимизга ўзлари инвестиция киритишни таклиф қилаяпти. Улар биздан имтиёз ёки лойиҳаларни молиялаштиришни сўрамаяпти, сармоя киритиб, маҳсулот ишлаб чиқариб, уни сотиб Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятига ҳисса қўшмоқчи.

Ўтган уч йилда Туркия билан ўзаро савдо айланмаси 2 баробар ошди. Жорий йилда бу кўрсаткични 3 миллиард долларга етказиш кўзланган. Президентимиз яқин йилларда товар алмашувини 10 миллиард долларга етказиш учун барча имконият мавжудлигини таъкидлади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида преференциал савдо тизими тўғрисида битим имзолаш мўлжалланмоқда. Ҳозир бу бўйича Туркиянинг тегишли вазирликлари билан иш бошланган.

Биз энди Туркия билан лойиҳадан — лойиҳагача эмас, балки тизимли ёндашув асосида ишлаймиз. Мўлжалланган режалар кўп. Улар татбиқ этилса, Туркия билан савдо-иқтисодий муносабатлар янада кенгаяди.

Алишер ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:

— Биз Туркия соғлиқни сақлаш вазири билан шартнома ва "йўл харитаси" имзоладик. Шунингдек, Туркиянинг "HMG" компанияси билан мамлакатимизда электрон соғлиқни сақлаш, рақамлаштиришни жорий этиш бўйича келишувга эришдик. Ушбу тизим жорий йилда Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида татбиқ этилади. Келаси йилдан бошлаб бошқа вилоятларда жорий этилиши кўзда тутилган.

Муҳим масалалардан бири — тиббиёт кадрларини тайёрлаш бўлиб, бу борада Туркиянинг Бахчешеҳир ва Медипол университетлари филиаллари ҳамда клиникаларини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Ўтган йили Соғлиқ билимлари университети билан Бухорода 2 та таълим йўналиши бўйича қўшма факультет очилган эди. Мазкур университет билан янги таълим йўналишларини келишиб олдик. Шунингдек, Андижон ва Наманганда клиник лабораториялар, Термиз ва Урганчда туғруқ мажмуалари очиш бўйича шартномалар имзоланди. Бу каби лойиҳалар тиббиётни янги босқичда ривожлантириш, соҳада Туркиянинг илғор тажрибаларини ўзлаштиришга хизмат қилади. Энг муҳими, ҳамкорлик лойиҳалари ҳар йили кўпайиб боради.

Адҳам ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

— Мамлакатимизда ўтган икки йилда хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ҳуқуқий тизим яратилди. "Инвестиция тўғрисида"ги қонун, янги Солиқ кодекси қабул қилинди, божхона тартиблари соддалаштирилди.

Тадбиркорга шароит яратилгани билан унда етарли билим бўлмаса муваффақиятли ишлаб кетолмайди. Ўтган йили мамлакатимизда 93 минг тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам менежмент, бизнес юритишдан хабардор эмас. Шу боис билимли, замонавий фикрлайдиган, дунё билан "гаплашадиган" тадбиркорларни тайёрлаш ўта долзарб. Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши якунида Туркия Палаталар ва товар биржалари иттифоқи ҳузуридаги Иқтисодиёт ва технологиялар университети билан ҳамкорлик битими имзоладик. Битимга кўра, жорий йилда юртимизда ушбу университет филиалини ташкил этиш ва талабаларни қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ишбилармонлар билан учрашувда мазкур филиал иқтисодиёт, технология ва тадбиркорлик бўйича фаолият юритишини, уни битирадиган ёшлар тайёр тадбиркорлар бўлиб чиқиши лозимлигини қайд этди. Туркия томони билан филиали ташкил этиш масаласи гаплашиб олинди, жой ажратилгани маълум қилинди. Шубҳасиз, бу ислоҳотлар Ўзбекистонда малакали тадбиркорларни тайёрлаш билан бирга, яқин келажакда ўрта бизнес қатламининг шаклланишига йўл очади.

Умида ТЕШАБОЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори:

— Давлатимиз раҳбари Анқара шаҳрида Туркия Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Бу Президентимизнинг китобхонликка қаратаётган эътибори, юртимиздаги маънавий-маърифий ишларнинг яна бир эътирофи бўлди. Чунки ҳеч бир давлатда китобхонлик давлат сиёсати даражасига кўтарилган эмас.

Бугунги кунда кутубхоналар мутолаа масканигина эмас, балки мулоқот ўрнатиладиган, йирик анжуманлар ўтказиладиган масканга айланди. Туркия Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасига хорижий давлатлардан фақат Ўзбекистон Президенти таклиф этилгани китобга, маърифатга интилиш халқларимизнинг қонида борлигини англатади. Туркия раҳбари Режеп Таййип Эрдўғон кутубхонанинг очилиш маросимида буни алоҳида таъкидлади. Энг муҳими, ушбу кутубхонада халқимиз маънавий бойликлари бўлган китоблар ҳам сақланади. Бу Ўзбекистон тарихи, маданияти, санъати ва бадиий адабиётини хорижда кенг тарғиб қилишда муҳим воситадир.

ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

АМАЛИЁТ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Гулсум ШОДИЕВА

Президентимизнинг 2019 йил 29 июлдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Шундай тадбирлардан бири "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси томонидан Тошкент вилоятидаги "Melek Best Milk Agro" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтди.

Унда ОАВ вакиллари корхонанинг кластер усулидаги фаолияти, корхона қошида ташкил этилган ферма, заводдаги ишлаб чиқариш жараёни, 2019 йилда амалга оширилган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан танишдилар.

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш озиқ-овқат саноатининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда йилига 2,3 миллион тоннадан зиёд сутни қайта ишлаш қувватига эга 968 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" мисолида олинса, айни вақтда компания таркибида жами 400 дан ортиқ корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 31 таси сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур корхоналар "Melek", "Tillo Domor", "Rash Milk", "Nestle" каби брендлар остида ўз маҳсулотларини истеъмол бозорига чиқармоқда. Эътиборлиси, "Melek Best Milk Agro" масъулияти чекланган жамияти 2019 йили кластер усулида ишлашга ўтди. Ушбу корхона кунига 100 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, 60 хил сут маҳсулотлари тайёрламоқда. Ҳозирги кунда корхонада 80 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади.

— Корхонамиз очилганига бир йил бўляпти. Мақсадимиз халқимизга сифатли сут маҳсулотлари етказиб бериш, — дейди "Melek Best Milk Agro" МЧЖ раҳбари Ботир Усмонов. — 14 минг гектар майдонга буғдой экишни бошладик. Экин майдонларимиз камлиги учун айни пайтда молларни ем-хашак билан таъминлашда муаммога дуч келиб турибмиз. Бу бўйича юқори ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Тез кунларда бу масала ҳал этилишига умид қиляпмиз. Келгусида иш ўринларини 200 тага етказишни мўлжаллаганмиз.

Корхонада 2020 йилдан бошлаб маргарин ва сариёғ маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Келгусида қуюлтирилган сут, майонез, кетчуп сингари маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва турларини юзтадан ошириш режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ ЯҚИН КЕЛАЖАКДА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлат раҳбари 2020 йилни Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилди. Таълим ва фан Мурожаатноманинг асосий йўналишларидир.

Биргина ўтган бир неча йил мобайнида Ўзбекистонда хорижий университетларнинг, жумладан, Россия ОТМларининг ўнлаб филиаллари очилди. Бироқ Ўзбекистон бу билан тўхтаб қолмоқчи эмас, чет давлатлар билан таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқишни режалаштирмоқда. Мурожаатномада Президентнинг илм-фан соҳасидаги аниқ устувор йўналишларга қараб илмий тадқиқот соҳаларини диверсификация қилиш борасидаги ташаббуси алоҳида эътиборга лойиқ.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам туб бурилишга эришиш режалаштирилган. Президент ўз Мурожаатномасида қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш вазифасини қўйди. Унинг таъкидлашича, электрон ҳукумат тизими танқидий кўриб чиқилади. Яқин келажакда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастурини ишлаб чиқиш якунланади. "Инновацион ривожланиш бизга ҳаводек зурур, — деди Президент. — Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради... Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур".

Мурожаатномада 2020 йилга мўлжалланган асосий вазифа этиб макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида инфляцияни жиловлаш белгиланди, бу эса пул-кредит сиёсатини инфляциявий таргетлаш тизимига ўтказишни юзага келтирди.

2017 йилда **мамлакатда эркин валюта айирбошлаш бўйича чекловларнинг олиб ташланиши Ўзбекистоннинг бозорни бошқариш тамойилларига содиқлигини яққол намоён этди ва "қора бозор"даги миллиардлаб долларлар банк айланмасига жалб қилинди.** Валюта бозорининг либераллаштирилиши кенг қўламли таркибий ўзгаришлар туфайли миллий иқтисодиётга импорт ўрнини босадиган эмас, экспортга чиқариладиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Шундай қилиб, республика жаҳон иқтисодиётига янада интеграциялашмоқда ва халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш орқали аҳоли фаровонлигининг умумий даражасини ошириш учун шарт-шароитлар вужудга келмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини монетизация қилиш даражаси 3 баробардан кўпроққа ошиб, 60% дан зиёдни ташкил этди. Таққослаш учун, 2018 йилда ривожланган мамлакатларда (Буюк Британия, АҚШ, Франция ва Германия) иқтисодиётни монетизация қилиш даражаси 80–90% га етказиш истиқболи билан 64,3–88% ни, Россияда 43,2% ни ташкил этган.

Иқтисодиётни монетизациялашнинг ўсиши ишлаб чиқаришга халқаро молия бозорларидан юқори қўшилган қийматли зарур инвестицияларни жалб қила оладиган ички жамғармаларнинг шаклланишига имкон беради.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон рақамли технологияларни ривожлантириш, янги банк маҳсулотлари ва дастурий таъминотини жорий этиш бўйича замонавий талаблардан сезиларли даражада ортда қолаётган банк тизимини ўзгартиришнинг кенг қўламли дастурини амалга оширишни режалаштирмоқда. Илғор мамлакатларда билим ва тажриба орттирган ватандошларни жалб этиш ва уларни асосий лавозимларга тайинлаш замонавий банк амалиёти ва менежментини амалга оширишнинг гаровидир. Шу нуқтаи назардан, мамлакат банклари халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишлари зарур.

Халқаро тажрибани ҳар томонлама ўрганиш асосида **рақобат учун шароит ва рақобат муҳитини шакллантириш мумкин бўлган монопол соҳаларда хусусий секторга йўл очилмоқда.** Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳукумати жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштиришни режалаштирмоқда ҳамда 206 та янги йирик қувват ишга туширилади ва буни амалга ошириш имкони мавжуд.

Иқтисодиётда давлат иштирокининг камайиши, пул-кредит сиёсатини эркинлаштириш, нархлар ва давлат буюртмаларини маъмурий тартибга солишдан воз кечиш — бизнес ташаббусларининг ўсиши, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг гарови. Ушбу ташаббуслар тадбиркорларга солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ ислоҳоти билан бирга турли даражадаги бошқарувда ва қарорлар қабул қилишда "яширин" иқтисодиёт ва коррупция улушини камайтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта мамлакатда камбағалликнинг мавжудлиги давлатнинг биринчи шахси томонидан ҳақиқий муаммо сифатида тилга олинди. Бундан ташқари камбағалликни камайтириш муаммосини Ш.Мирзиёев ижтимоий нафақалар бериш билан эмас, балки ўзбек халқининг ўзига хос тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, унинг қобилияти ва салоҳиятини сафарбар этиш орқали янги иш ўринлари яратиш асосида ҳал этиш ниятида. Ўзбекистон жамиятида ижтимоий тенгсизлик даражасини мувозанатлаш нуқтаи назаридан бундай ёндашув мутлақо тўғри.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатнинг юқори даражадаги маъмурий тўсиқлар ва чекловлар билан ёпиқ ривожланиш моделидан миллий иқтисодиётни давлат ва бозорни тартибга солиш усулларининг оптимал уйғунлигига асосланган очиқ иқтисодиёт моделига ўтиши таъкидлангани чет эллик олимлар ва мутахассислар томонидан синчковлик билан ўрганиладиган мавзуга айланади.

Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг бориши мантиқий жиҳатдан энг самарали иқтисодий ислоҳотлардан бири — "немис иқтисодий мўъжизаси"га ўхшашдир.

Иқтисодий эркинликни ривожлантириш ва тадбиркорлик салоҳиятини очиб беришга қаратилган ислоҳотлар муаллифи Л.Эрхард инсон ижтимоий ривожланишининг ҳал қилувчи шарти ва омили, деб ҳисоблаган эди. Бунинг барчаси охир-оқибат Германиянинг равнақига олиб келди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон раҳбарининг пухта ишлаб чиқилган ва ўйланган, мувозанатли ёндашуви ички ҳамда ташқи хавф-хатарларга ва қийинчиликларга жавоб, мамлакатнинг жадал ва изчил ривожланиши ҳамда режалаштирилган ва амалга оширилаётган ўзгаришларнинг ижобий натижаларига қатъий ишонч кафолатидир.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА: *Россиянинг етакчи иқтисодчи олимларидан бири. Иқтисодий назария, жаҳон иқтисодиётини глобаллаштириш, постсовет макон иқтисодий ва сиёсий муаммолари бўйича мутахассис. 400 дан ортиқ илмий иш муаллифи. МДУнинг Москва иқтисодиёт мактаби Иқтисодиёт факультетининг илмий таълим маркази раҳбари, Россия Эркин иқтисодий жамияти вице-президенти, Иқтисодчилар халқаро иттифоқи Европа фан ва санъат академияси (Австрия) аъзоси.*

Бедил ХОНДАМИРОВ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, демократик янгиланишлар, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишчанлик фаоллигини кучайтириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ОДАМ ЎЗГАРМАСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРМАЙДИ

ЁКИ “HUMAN” ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИ ВА УНДАН ЖАБР КЎРГАН ФУҚАРОЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек яратилаётган бундай қулай шарт-шароитлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Жиноятларнинг аксарияти товламачилик, фирибгарлик билан боғлиқ бўлаётгани бунга мисол. Деярли кунда-кунора оммавий ахборот воситалари орқали “Аҳмадбой иши”, “Авто 60 ой”, “Straus house” сингари тадбиркорлик субъектларининг қинғир фаолияти фош қилингани тўғрисидаги хабарлар, фирибгарларнинг қармоғига лаққа балиқдай илинган фуқароларнинг ёрдам сўраб қилган мурожаатлари кенг ёритилмоқда. Афсуски, бундан ҳамма ҳам бирдек хулоса чиқараётгани йўқ.

“Human” хусусий бандлик агентлигидан жабр кўрган фуқаролар ҳам шулар жумласидан. Келинг, дастлаб ушбу агентлик фаолиятига қисқача тўхталиб ўтсак.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат қилиш учун чет элларга кетаётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ишларни амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорларга давлат томонидан “ўзинг ҳам даромад қил, бошқалар ҳам фойда кўрсин” мазмунида 2018 йилда хусусий бандлик агентликларини ташкил этиш имконияти тақдим этилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг интернетдаги расмий саҳифасидаги маълумотга кўра, айни пайтда республикада рўйхатдан ўтган хусусий бандлик агентликлари сони 98 тани ташкил этади. Шундан 59 тасига лицензия берилган. “Human” хусусий бандлик агентлиги масъулияти чекланган жамияти шулардан бири.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек, ушбу ширкатга асос солган Ш.Файзуллаев тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйишдан кўзлаган асл мақсади чет элга бориб ишлаш ниятидаги фуқароларга сифатли миграция хизматини кўрсатиш эмас, содда ва ишонувчан ҳамюртларимизни чув тушириш бўлгани ойдинлашди.

Гап шундаки, Ш.Файзуллаев фуқароларни чет давлатларда ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, фирибгарлик йўли билан жуда кўп маблағни ўзлаштирганлиқда айбланиб ҳибсга олинди. Жорий йил 27 январь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судида унинг иши кўрилди. Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг бу ноинсофлиги натижасида 1086 нафар фуқаро 21 миллиард сўмдан зиёд моддий зарар кўрган.

Агентлик фаолиятидан жабр кўрган бир гуруҳ фуқаролар ҳукумат вакиллари билан учрашув ташкиллаштиришни сўраб куни кеча пойтахтда тўпланди. Бунга уларни нима мажбур қилди, мақсад-муддаоси нима эканига қизиқиб, бирини суҳбатга тортдим.

Айтишича, улар нафақат агентлик раҳбари, балки унинг шериклари, ортида турғани тахмин қилинаётган “қўли узун” одамлар ҳам жавобгарликка тортилишини исташмоқда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги нима учун “Human” хусусий бандлик агентлигига лицензия берганига ойдинлик киритилишини сўрамоқда. Суд ҳукми тўлиқ ижро этилиши бўйича белгиланган муддат тугашини кутмай, пуллари зудлик билан қайтарилишини талаб қилиб келишган.

“Human”дан жабр кўрган фуқаролар билан парламент ва ҳукуматнинг расмий вакиллари учрашди ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳамда ҳуқуқбузарларнинг қонун олдида жавобгарлигини таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилаётганини маълум қилишди.

Бош вазир Абдулла Арипов Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан “бир-иккита муттаҳамни деб халқ жабр чекмаслиги учун” истисно тариқасида уларга етказилган зарар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамғарма томонидан тўлаб берилишини маълум қилди.

Шундан сўнг “Ипотекабанк” ва унинг ҳудудий филиалларида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг қарорида қайд этилган жабрдийдаларга пластик карта очилди ва пул маблағлари ушбу карточкаларга йўналтирилди. Жамғарманинг айни масалага йўналтирилган маблағлари судланувчининг хатланган мол-мулклари сотувидан тушган пуллар ҳисобидан ўрнига қўйилади. Аҳолига пул маблағларини қайтаришда тегишли қонун-қоида ва тартиб-тамойилларга қатъий риоя қилинди.

Воқеа шу йўсин ниҳоясига етди. Жабрланганлар Президентнинг халқпарвар ва одил сиёсатига миннатдорлик билдирди, кўзларига қувонч ёшлари келди...

Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати ўйлантиряпти. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Афсуски, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаётгани шундай ҳолатларда кўзга ташланмоқда.

Ҳақли савол туғилади: “Human” хусусий бандлик агентлигидан жабр кўрган фуқароларнинг ҳукумат олдига бундай талабни қўйиши қанчалик тўғри, уларнинг бу талаби амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нечоғли мос?

Бош қонунимизда ҳар бир давлат ҳокимиятининг вазифа ва ваколатлари муфассал белгилаб қўйилган: суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Прокуратура эса ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси, яъни ҳукумат ижро этувчи ҳокимият органидир, ўз фаолиятида парламент ва Президент олдида жавобгардир.

Бундан англашиладики, “Human” фаолиятидан жабр кўрган фуқаролар томонидан қўйилаётган талаблар — агентлик раҳбарининг шериклари ва уларнинг ортида турган “валломат”ларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш, суд ҳукми ижро этилиши муддатини тезлаштириш ҳукумат ваколатидаги вазифа эмас.

“Human” хусусий бандлик агентлигидан жабр кўрган фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билмаслиги билан бирга, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш қўникмасига ҳам эга эмаслиги намоён бўлди. Йўқса, улар ҳукумат олдига амалдаги қонунни четлаб, пулларини тезроқ ундириб бериш талабини қўймаган бўлар эди.

Қолаверса, уларни доимий иш жойидан бўшаб, яшаб турган уйини, миниб юрган машинасини сотиб, кўни-қўшни, дўст-ёрдан қарз кўтариб, банкдан кредит олиб, ҳатто доимий даромад келтириб турган манбаларини ҳам пуллаб, “Human” хусусий бандлик агентлигига топширишга ҳеч ким мажбур қилмаган. “Палон давлатга юборади ва у ерда шунча маош тўлайди”, деган жўн эълону рекламаларга ишониб, ўз ихтиёри билан пулларини олиб бориб топширишган. Уларни ёмонотлиқ қилиш фикридан йироқмиз. Вазиятга учинчи одамнинг кўзи билан қаралса, ҳаммаси ойдинлашади.

Масалан, амалдаги қонунчиликда муайян хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан жисмоний шахсга етказилган моддий зарар бошқа тадбиркорлик субъекти ёки давлат идораси томонидан қоплаб берилиши кўзда тутилмаган. Ҳатто ривожланган мамлакатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам бу масала акс этмаган. Ҳукумат бу вазиятда, “Human”-дан жабр кўрган фуқароларга: “Пулни хусусий секторга ўзингиз олиб бориб бергансиз. Суд орқали ундириб олишингиз мумкин. Суд ҳукмини бекор қилиш ёки жараёнига аралашиш ваколатимиз доирасига кирмайди”, дейиши ҳам мумкин эди.

Жабрланганларнинг хусусий бандлик агентлигига лицензия бергани учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги жавоб бериши кераклиги борасидаги даъвоси худдики йўл-патруль хизмати ходими ҳайдовчи қоида бузгани учун ҳайдовчини эмас, унга ҳайдовчилик гувоҳномасини тақдим этган тегишли давлат идорасини жавобгарликка тортиши керакдек гап. Чунки фуқаро ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши учун муайян вақт ўқиши, малака ошириши, имтиҳон топшириши талаб этилади. Машина бошқарувида бўлган фуқаро ҳаракат қоидасини бузса, ҳеч вақт давлат жавоб бермайди-ку.

Шу жумладан, хусусий бандлик агентликларига ҳам фаолият юритиши учун ўрнатилган тартибда лицензия тақдим этилади.

Ахир, 25-30 миллион сўм пулни қўшқўллаб топширишдан аввал сўраш мумкин-ку: “Ўзи бу пуллар нимага, авиачипта ёки четга чиқиш визаси учун бўлса, ўзим ҳам бориб олаверсам бўлмайдими, уч ойдан кейин кетадиган бўлсам, олдиндан шу пулларни нима учун тўлаётганимни билишим мумкинми?” деб.

“Хорижга ишга юбораман, деб бир уюм қоғоз ва расмларни кўрсатишувди, ишондик”, дейди жабрдийдалардан бири.

Ҳатто касбий тайёргарлиги ва чет тилини билиш даражаси паст бўлишига қарамай, катта маош ваъда қилингани ҳам уларни зиғирча сергаклантирмаган. Одам ҳам шу даражада содда бўладими?!

Тўғри, ҳаётда мукаммал инсон бўлмайди. Ҳамма ҳам хато қилади. Лекин хатосидан сабоқ олиб, хулоса чиқарадиганлар жуда кам бўлади. Айниқса, ўзгаларнинг хатосидан хулоса чиқариш чин донишмандликдир.

Биз ўзгаришни, янгиланишни истаяпмиз. Аммо жамият ўзгариши учун аввало одамлар ўзгариши кераклигини мана шундай ҳолатларнинг ўзи яққол исботлаб турибди.

“Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз”.

Президентимизнинг мазкур даъвати мулоҳазалардан қуйидагича хулоса чиқаришга ундайди: Биз эркин ва фаровон давлат қуришни, ҳар томонлама ривожланишни мақсад қилганмиз. Демократик тамойилларга асосланган кучли фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар даврида айрим хатоликларга беихтиёр йўл қўйилиши табиий. Буни аксарият ривожланган мамлакатлар ўз бошидан ўтказган. Кўзлаган мақсадимизга эришиш учун жамият, ҳукумат, парламент, умуман, барчамиз бир ёқа, бир енг бўлиб, “Human” хусусий бандлик агентлигининг фаолияти ва ундан жабр кўрган фуқароларнинг қисмати мисолида ташқи меҳнат миграцияси ва хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш керак, деб ўйлаймиз. Қонун ҳужжатларида айрим ишонувчан, содда фуқароларни “уддабурон тадбиркорлар” томонидан товламачилик, қаллоблик, фирибгарлик йўли билан чув тушириш мумкин бўлган “лазейка”ларни аниқлаб, зудлик билан уни такомилга келтириш муҳим аҳамиятга эга.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ЖОЗИБАДОРЛИК ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА АНИҚ ТАКЛИФЛАРДА АКС ЭТАДИ

И.ТЎХТАСИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллари институти ректори

Мамлакатимизда таълимнинг барча бўғини, айниқса, олий таълим тизимини ислоҳот қилишга катта эътибор берилмоқда. Бундан ўқитиш сифатини тубдан такомиллаштириш, билим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, олий таълим масканларига ёшларнинг қамровини тобора ошириш кабилар кўзланган.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

МАСАЛАН, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЎҚУВ КУРСЛАРИ (1 ҲАФТАДАН 4 ҲАФТАГАЧА), ТАЛАБАЛАРНИНГ АМАЛИЁТ ЎТАШЛАРИ (1 ОЙДАН 3 ОЙГАЧА), СТАЖИРОВКА (3 ОЙДАН 6 ОЙГАЧА), МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ (БАКАЛАВРИАТ, МАГИСТРАТУРА, ДОКТОРАНТУРА – 1 ЙИЛДАН 4 ЙИЛГАЧА), МУСТАҚИЛ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ УЧУН (1 ОЙДАН 6 ОЙГАЧА) ГРАНТ АЖРАТИШ ҲАМ САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони соҳада устувор йўналишларни белгилаб берди.

Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистондаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 талик, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритилиши белгиланган. Ушбу мақсадларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонда таълимни халқаролашувини ривожланишига ҳам замин яратади.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модель тизимига ўтказиш назарда тутилмоқда. Бу орқали талаба касбий компетент ва ноодатий вазиятларда қарор қабул қила оладиган мутахассис кадр бўлиб етишади. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижасини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этилиши таълим ва интеграцияда портлаш эффектини беради.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Институт талабалари сони охирги икки йилда 2690 нафардан 4980 нафарга ошди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, Россия, Жанубий Корея, АҚШ каби хорижий давлатлар билан бакалавриат ҳамда магистратура дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2020-2021 ўқув йилида Шанхай чет тиллар университети (Хитой Халқ Республикаси), Сукмёнг университети (Жанубий Корея), Чосун университети (Жанубий Корея) билан 3 та қўшма таълим дастурини амалга ошириш режалаштириляпти.

Ривожланаётган мобил меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда янги таълим йўналишлари (Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек, турк, форс, индонез ва ҳинд тиллари) ва мутахассисликлар бўйича кадрлар ҳамда туризм хавфсизлиги бўйича ходимлар, божхона учун таржимон-референтлар, темир йўл ва авиаташув хизматлари учун таржимон-референтлар тайёрланмоқда.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Италия, Португалия, Польша, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Малайзия, Мўғулистон, Россия, Украина, Латвия, Қозоғистон, Беларус, Тожикистон билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Институт TEMPUS, Erasmus Mundus, Erasmus+, JICA, KOICA. DAAD, GOTHE institute, Fulbright, British Council, Италия ташқи ишлар вазирлиги гранти, ХХР ҳукумати грантлари, Конфуций институти грантлари ва турли хорижий давлатлар элчихоналари лойиҳаларида фаол қатнашмоқда.

Лекин тан олиш керак, олий таълим тизимида ҳал этиш лозим бўлган муаммолар кўп. Тажрибамдан келиб чиқиб, муаммоларга ечим бўладиган таклифларимни билдирмоқчиман. Жумладан, минтақа талабидан келиб чиқиб, институт базасида мактабгача, умумий ўрта, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган хорижий тиллар мутахассислари, педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш керак. Бу орқали хорижий тиллар бўйича соҳада узвийлик ва узлуксизлик ҳамда педагогик таълим платформаси яратилади, буюртмачилар талаби асосида илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлашга эришилади.

Унда тиллар кесимида (инглиз, немис, француз, испан, итальян, рус, япон, хитой, корейс ва араб) ихтисослаштирилган мактаб ва лицей ўқитувчилар орасидан тренерларни тайёрлаш, хорижий тиллар ўқитишда янги замонавий методик-педагогик технологияларни ўргатиш ва ривожлантириш, хорижий етакчи ОТМ профессор–ўқитувчилар иштирокида семинар, треннинг, вебинар, очиқ маҳорат дарсларини ташкил этиш мумкин. Шунингдек, таълимда хорижий тиллар бўйича узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, хорижий тиллар бўйича халқаро грант, халқаро сертификат, миллий устамаларни белгилаш бўйича имтиҳонларга тайёрлаш, “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантлари юзасидан тренинглар ташкил этиш, замонавий янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларни ёзиш кўникмаларини шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

Республикамиз олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингда мавқеи ва жозибадорлигини янада ошириш мақсадида хорижий фуқаролар учун (тиллар кесимида) бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва докторантурага мақсадли грантлар ажратиш керак. Бунда хорижий талабаларнинг харажатлари тўлиқ (бепул таълим, ётоқхона, ойлик стипендиялар, авиачипталар) ёки қисман (бепул таълим ва ётоқхона) қоплаб берилади.

Шунингдек, «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳам таълим грантлари жорий этиш, хорижий талабаларнинг харажатларини тўлиқ (бепул таълим, ётоқхона, ойлик стипендиялар, авиачипталар) ёки қисман (бепул таълим ва ётоқхона) қоплаб бериш яхши самара беради.

Хорижий ҳамкор университетлар учун ҳам таълим грантлари жорий қилиш лозим. Бунда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда хорижий давлат грантларининг муқобили сифатида ўзимизнинг миллий мақсадли ва нодавлат ташкилотларининг фондлари, жамғармалари таълим грантларини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари орқали таъсис этиш ҳам ижобий натижа беради.

Олий таълим муассасаларида тиллар кесимида волонтёр тил соҳибларининг кўпайиши, хорижий талабаларни илмий тўгараклар, ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб қилиш билан бир қаторда она тилимиз, бадиий адабиётимиз, миллийлигимиз ва маданиятимизни ҳам кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Республикамиз ОТМларининг ҳозирги халқаро рейтингини пастлиги ҳамда барча бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва докторантурада инглиз ёки рус тилларида ўқиш имкониятининг мавжуд эмаслиги хорижликларни етарлича жалб этишга тўсқинлик қилмоқда. Шу боис халқаро грант ташкилотлари тажрибасидан келиб чиқиб, таълим грантларининг мақсадига кўра гуруҳлари (target group)ни кўпайтириш лозим.

Масалан, қисқа муддатли ўқув курслари учун (1 ҳафтадан 4 ҳафтагача), талабаларнинг амалиёт ўташлари учун (1 ойдан 3 ойгача), стажировка учун (3 ойдан 6 ойгача), миллий таълим йўналишлари учун (бакалавриат, магистратура, докторантура. 1 йилдан 4 йилгача), мустақил илмий тадқиқот фаолияти учун (1 ойдан 6 ойгача) грант ажратиш ҳам самарадорликни таъминлайди.

(DAAD): Research/Doctorate/PhD; Teaching; Internship; Study; Language Course каби халқаро грант ташкилотлари билан фаолият турини (Intention) кенгайтириш лозим. Асосан, ўқитувчилик фаолияти учун грант ажратишга эътибор қаратиш орқали инглиз ва рус тилларида ўқитиш имкониятини кегайтириш лозим. Бу хорижий талабаларни жалб этишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Афсуски, бугун бизда миллий дастурларимиз, асосан, ўзбек тилида тайёрланган. Ривожланган давлатларнинг барчасида давлат тили билан бирга инглиз тилида ҳам таълим олиш имкони мавжуд.

Қолаверса, миллий манфаатни кўзлаган ҳолда Ўзбекистонда туризм, таълим, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларга ечим топишга хизмат қилувчи грантлар ажратиш ҳам яхши натижа беради. Бунда хорижлик илмий изланувчи танлов асосида олинади ва ундан натижа талаб этилади.

Таълим грантларининг мақсадига кўра, Шарқий Осиё (ХХР, Жанубий Корея, Япония), Буюк Британия, Европа ва Америка мамлакатлари талабалари учун маълум турдаги грантлар ажратиш лозим. Бунда қўшни давлатлар талабалари учун алоҳида имкониятлар бериб, ривожланган давлатлар талабалари учун асосан қисқа муддатли стипендияларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Осиё тараққиёт банки томонидан 2020-2021 йилларда тадқиқотлар олиб бориш ва ходимлар малакасини ошириш учун марказга 250 минг долларлик грант ажратиш бўйича шартномалар мавжуд

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 22 февраль, 21-сон

МОНИТОРИНГ

ТАҲЛИЛ ТАРАҚҚИЁТГА, ТАҚҚОС ТАЖРИБАГА ЎРГАТАДИ

Обид ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш, эркин рақобат тўғрисидаги гап-сўзлар, ислоҳотлар бошланганига ҳам ўттиз йилга яқинлашди. Агар бунга собиқ иттифоқ давридаги "қайта қуриш" даврини ҳам қўшиб ҳисобласак, салкам ярим асрдан буён иқтисодий тизимни ўзгартириш устида ишлаётганимиз ойдинлашади.

Аммо шу пайтгача режали-гибрид, маъмурий-буйруқбозлик тузилмаларидан бошқасини ярата олмадик. Асосий товарлар нархларининг давлат томонидан тартибга солиниши, қишлоқ хўжалиги, йирик саноатнинг етакчи тармоқлари режали бошқарувдан қутула олмагани, ишлаб чиқаришда эркин рақобатнинг шаклланмагани бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур масалада бозорга асосланадиган иқтисодиёт бизга нима учун кераклигини англаб олишимиз зарур. Аввало, жаҳон тажрибаси ҳар қандай миллат, давлат, иттифоқ учун иқтисодиёт ўсиши, илмий тараққиёт, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократик тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда ҳозирча "бозор"дан бўлак қулайроқ йўл топилмаганини кўрсатади. Биздан анча илгари бу йўлни танлаган ва уни тўлиқ рўёбга чиқара олган халқларнинг бугунги турмуш даражаси қандай экани тўғрисида гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Юртимизда ҳақиқий бозор тамойилларини иқтисодиётга татбиқ этиш борасидаги асосий ислоҳотлар кейинги уч йилда бошланганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу давр салкам ярим аср давом этган ҳозирлик жараёнининг мантиқий интиҳоси, якунловчи босқичи бўляпти, десак янглишмаймиз. Президентимиз бошчилигида юртимизда эркин бозор муносабатларига тўсқинлик қилаётган ҳар қандай камчиликларга барҳам берилмоқда.

Шунга қарамай, ривожланишнинг янги иқтисодий моделига ўтишда доимо муайян қийинчиликлар, жумладан, хўжалик бошқаруви масалаларида чалкашликлар вужудга келиши кузатилган. Бу эса бошқарув органларидан ҳам, тадбиркорлик субъектларидан ҳам замонавий шароитларда мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этишга янада илғор ёндашувларни талаб этади. Бироқ узоқ вақт давомида иқтисодий бошқарувнинг асосан, маъмурий-буйруқбозлик кўринишида сақланиб қолингани ислоҳотларнинг янада жадал ва самарали бўлишига тўсқинликларни юзага келтирмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш чораларини ишлаб чиқишда ташаббускорлик етарли эмаслиги, айрим вазирлик ва идоралар фаолиятида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда идоравий ва соҳавий манфаатларни илгари суришда намоён бўлаётган эскича ёндашувлар сақланиб қолганлиги ҳам рост. Шу боис ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистон Президентининг "Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сифатини ва иқтисодий тадқиқотлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Иқтисодий тадқиқотлар маркази Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказига айлантирилди. Бугунги кунда марказ теран ўрганилган, шу жумладан, ривожланган хорижий мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган амалиётларни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг стратегик йўналишлари, хусусан, иқтисодиёт, молия, тадбиркорлик ва ижтимоий соҳада бошқарувни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида таҳлилий ва амалий тадқиқотлар ўтказмоқда.

Ўтган давр мобайнида марказ хориждаги етакчи илмий ва таълим муассасаларида ўқиган ва фаолият юритган, ташаббускор ёш илмий ходимлар билан тўлдирилди. Уларнинг 16 таси магистрлик, докторлик дипломларига эга. Марказ ходимлари Австрия, Хитой, Шри-Ланка, Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган қисқа малака ошириш курсларида қатнашишди. Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, таҳлилий ва тадқиқот марказлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти ва экспертлар ҳамжамияти вакиллари, бошқа манфаатдор томонларнинг самарали тармоқлараро ва идоралараро ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида унинг негизида "очиқ макон" тамойили асосида очиқ инновацион платформа ҳам ташкил этилди.

Бундан ташқари, марказ ҳузурида Ҳукумат акселератори фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур тузилма олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва уларнинг натижадорлигини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар материалларини ўрганиш, вазирликлар ва идораларнинг таклифлари асосида тармоқлараро ва идоралараро даражада ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоли масалалар рўйхатини шакллантириб боради. Рўйхат Ўзбекистон Президентининг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари ва Президент Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил департаменти билан келишилади, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ва марказнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Ўз навбатида, акселератор доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар атрофлича ўрганилиб, уларнинг ечими устида ишлар бошланди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш, қурилишга рухсат беришни соддалаштириш, коммунал тўловларнинг ягона биллинг тизимини яратиш кабилар шулар жумласига киради.

Марказ ходимлари томонидан 2019 йилнинг октябрь-декабрь ойларида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлишининг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқот ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, республиканинг барча ҳудудларига чиққан ҳолда кенг жамоатчилик, зиёлилар, ёшлар, журналист ва блогерлар даврасида мазкур тадқиқот натижаларининг муҳокама тақдимотлари ўтказилди. Бундан ташқари, мавзуни янада кенг ёритиш мақсадида жорий йилнинг март ойида "Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиши: эҳтимолий хавфлар ва имкониятлар" халқаро конференциясини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Марказ халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамламоқда. Хусусан, 2019 йилнинг 11-13 ноябрь кунлари БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш" мавзуида халқаро давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, бу тузилма билан ҳамкорликда жорий йилда 8 та йўналишда тадқиқотлар ўтказишга келишилди. Осиё тараққиёт банки томонидан 2020-2021 йилларда тадқиқотлар олиб бориш ва ходимлар малакасини ошириш учун марказга 250 минг долларлик грант ажратиш бўйича шартномалар мавжуд. Бундан ташқари, жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида жаҳондаги нуфузли "ақл марказ"ларидан ҳисобланган Осиё тараққиёт банки институти ва Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик институти (CAREC) билан ҳамкорликда "Марказий Осиё минтақасида барқарор инфратузилмани яратиш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш" мавзуида халқаро анжуман ташкил этиш режалаштирилган.

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 17 февралда имзоланган Ўзбекистон Республикасининг "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуни уч ойдан сўнг кучга киради. Депутат ва сенаторлар, мутахассис ва ишлаб чиқарувчилар фикрича, мазкур қонун асосида бундай ҳудудларнинг ташкил этилиши чет эл ва ҳудудий инвестицияларни кенг жалб этиш, юқори технологияли саноат, муҳандислик, транспорт ва бошқа йўналишлар, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, туризм ҳамда дам олиш соҳаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

ИНВЕСТИЦИЯ ҲАЖМИ ОРТИБ, ИННОВАЦИЯ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

ЭРКИН ҲУДУДЛАР СОН МИНГТА, МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК

Дунёда эркин иқтисодий зоналар сони ҳақида гап кетганда, айрим мутахассислар 2 минг атрофида деса, бошқа бирлари 4 мингдан ортиқ эканини айтишади. Боиси, айримлар божхона имтиёзлари амал қиладиган махсус жойлардан тортиб технопаркларни, эркин савдо майдонларидан тортиб оффшор зоналарни ҳам мазкур рўйхатга киритишади. Лекин уларнинг моҳияти тўғрисида сўз борганда ҳаммасининг фикри муштарак: миллий ривожланиш эшикларини жаҳонга кенг очади, инвестицияларни жалб этиш, халқаро товар, хизмат, технология, ахборотлар алмашинувини фаоллаштириш, экспорт ва импортни юксалтириш, илғор ишлаб чиқариш, технологиялар ва ташкилий тажрибаларни қўллаш орқали унинг янада жадаллашувига хизмат қилади. Шунинг учун бундай ҳудудларда олинадиган фойда меъёри 30–35 фоиз юқори ва бугунги кунда жаҳон савдо-сотиғининг қарийб учдан бир қисми улар улушига тўғри келмоқда. Осиё қитъасида эса бу кўрсаткич табиий ва меҳнат ресурслари арзонлиги, товарларни киритиш ва чиқаришдаги божхона имтиёзлари ҳамда бошқа афзалликлар туфайли 40 фоизгача етади.

Халқимиз таг замири "эрк", "эркин" сўзларига туташиб кетадиган тушунчаларни хуш кўради. Шу боисми, 1996 йилдаёқ МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Қизиғи шундаки, мазкур ҳужжат кучга кирган пайтда мамлакатимизда ҳали бирорта ҳам эркин иқтисодий зона фаолият кўрсатмас эди. Қонуннинг амалда ишлашини ўн икки йил кутишга тўғри келди. 2008 йил 26 декабрдаги ҳужжатга кўра, Кармана тумани ҳудудида Навоий махсус индустриал зонасини ташкил этишга киришилди.

Айни пайтга келиб юртимизда турли йўналишдаги 21 та шундай ҳудуд фаолият юритмоқда. 2019 йилда уларда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 8,2 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 177,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди, 24 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

ЯНГИ ҚОНУН ЗАРУРАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Бундан 24 йил муқаддам кучга кирган "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонун ўтган вақт давомида маънавий жиҳатдан эскирди, бундай ҳудудлар фаолиятини тўлиқ қамраб ололмай, бугунги кун талабларига тўла жавоб беролмай қолди. Бунинг устига, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солиш бўйича 60 дан ортиқ қонуности ҳужжати амал қилиб келар эди.

— Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўплиги хорижий инвесторлар учун мураккабликлар туғдирарди, — дейди "Навоий эркин иқтисодий зонаси" акциядорлик жамияти дирекцияси директори Ҳабиб Абдуллаев. — Улар айрим жиҳатлари бир-бирига зид келадиган ҳуқуқий ҳужжатларни ёқтиришмайди. Ягона қонуний тартиб бўлишини ва шу асосда ишлашни хуш кўришади.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Табиийки, бу инвестиция соҳасидаги қонунчилик мантиғи бузилишига сабаб бўлиб, эркин иқтисодий зоналар ривожига салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди. Ана шундай салбий омиллар соҳага оид қонун ҳужжатларини илғор хорижий тажриба ва замонавий талаблар асосида чуқур қайта кўриб чиқиш заруратини кун тартибига қўйди.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 17 январдаги фармони асосида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— Лойиҳани тайёрлашда ХХР, Туркия, Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Вьетнам, Беларусь каби давлатларнинг махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштиришга оид қонун ҳужжатлари ўрганилди, — дейди Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Исломиддин Норимов. — Улардаги илғор ва шароитимизга мос келадиган нормалар қонун лойиҳасига киритилиб, тегишли портал орқали умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди. Бундан ташқари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлик органлари ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари билан келишилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 17 февралда имзоланган "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 14 декабрда маъқулланган эди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат 11 та боб ва 48 та моддадан иборат бўлиб, бундай тузилмалар мамлакатимизда эркин иқтисодий, махсус илмий-техникавий (технопарклар), туристик ва рекрацион, эркин савдо, махсус саноат зоналари шаклларида ташкил этилиши мумкин.

— Шу жиҳатнинг ўзи қонуннинг бугунги давр руҳига монандлигини кўрсатади, — дейди "Навоий эркин иқтисодий зонаси" АЖ дирекцияси директори Ҳабиб Абдуллаев. — Аввалгисида фақат саноат ва сайёҳликка доир тушунчалар бўлса, эндигисида, айниқса, махсус илмий-техникавий ҳудудлар ҳам қамраб олинган. Биласиз, ҳозирнинг ўзида бир қатор технопарклар фаолият кўрсатмоқда. Эркин савдо зоналари фаолиятининг ҳам қонун билан тартибга солиниши уларнинг ўз ишини бошлашида жуда асқотади.

Қонундаги асосий қоидалар фаолият юритиш ва тугатиш муддатларини узайтириш, чегараларни ўзгартириш, ташкил этиладиган фаолият турлари, бошқарув, иштирокчи мақомини белгилаш, божхона расмийлаштируви, солиққа тортиш, ер участкаларидан фойдаланиш тартиблари, инвесторлар ҳуқуқлари ва махсус ҳуқуқий тартиботларни ўз ичига қамраб олган. Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органи, ҳудудий маъмурий кенгашлар, махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари, вазифалари аниқ кўрсатилган. Шунингдек, инвесторларга бериладиган имтиёз ва преференциялар, инвестицияларнинг ҳуқуқий режими, бу борада шартнома тузишнинг асосий шартлари, уларнинг бажарилиши устидан мониторинг ўрнатиш тартиби ва ижрочилари белгилаб берилган. Хусусан, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган ва битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида хориждан келтирилган қурилиш материаллари, технологик ускуналар, хомашё ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан озод қилинади. Товарларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача муддатга кечиктириб тўлаш мумкин. Бундай имтиёзлар, ўз навбатида, инвестициявий жозибадорлик ва экспорт салоҳиятини ошишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, қонун махсус иқтисодий зоналар фаолиятининг барча жабҳалари қамраб олинган ягона ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда белгиланган тартиб-қоидалар хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг қонунчилигимизга ишончини ва сармоя киритишга бўлган қизиқишини орттиради. Яна бир муҳим жиҳати шуки, у замонавий, инновацион, экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳуқуқий ва амалий замин яратади.

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛАР ХАВФСИЗЛИГИ РЕЙТИНГИДА

ДУНЁДА 46-ЎРИННИ, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ОРАСИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Л.СУВОНОВ

Франциянинг Insurly портали эълон қилган, дунёнинг 180 та давлати киритилган сайёҳлар хавфсизлиги рейтингида мамлакатимиз дунёда 46-ўринни, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Ғолибларни аниқлашда тиббий тизим, соғлиқни сақлаш даражаси, терроризм хавфи, жиноятчилик ҳолати эътиборга олинган. 2020 йилда сайёҳлар хавфсизлиги учун энг қулай мамлакат ва биринчи ўрин соҳиби Швейцария бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Сингапур ва Норвегия эгаллади.

Люксембург, Кипр, Исландия, Дания, Португалия, Финляндия ва Япония ҳам хавфсиз мамлакатлар ўнталигига киритилган. Мамлакатимиз 70,3 балл билан энг яхши элликта давлат сафидан жой олди.

Рейтинг тузувчилар мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳлар учун табиий офатлар энг катта хавф, деб ҳисоблаган. Ўзбекистон бу йўналишда паст балл олган. Соғлиқни сақлаш тизимида эса юқори даражаси қайд этилган, агар ҳавода ифлосланиши даражаси бўлмаганида бундан ҳам юқори натижани қўлга киритиши мумкин эди, дейилади хабарда.

Шунингдек, терроризм хавфининг ноль эҳтимоли алоҳида таъкидланган.

УЧРАШУВ

Алишер АЗИМОВ

Республика "Ҳунарманд" уюшмасида Ҳиндистоннинг Харяна штатида ўтказилган "Surajkund Mela" 34-халқаро ҳунармандлар фестивалида иштирок этиб келган юртдошларимиз билан учрашув ўтказилди.

ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

Бу йил ўттиз тўртинчи маротаба ўтказилган "Surajkund Mela" фестивалида дунёнинг 60 мамлакатидан бир миллиондан зиёд меҳмон қатнашди. Эътиборли жиҳати, бу йилги фестивалда Ўзбекистонга шерик-давлат мақоми берилди. Бундай давлатга фестиваль давомида амалий ҳунармандлик, миллий санъатдаги ютуқлар, фольклор ва сайёҳлик салоҳияти ва жозибадорлигини кенг намойиш этиш имконияти яратилади. Нуфузли маросимда Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги туризм бўйича элчиси Риту Бери ҳам иштирок этди.

— Ушбу фестиваль маданий-гуманитар соҳадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, ўзбек ҳунармандларининг маҳсулотлари ва мамлакатимизнинг сайёҳлик имкониятларини кенг намойиш этишга хизмат қилади, — деди "Ҳунарманд" уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Шерзод Раббимқулов. — Халқаро ҳунармандчилик фестивалида мамлакатимиздан кўплаб ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, меҳмонлар эътирофига сазовор бўлди.

Учрашувда фестивалда иштирок этган 23 нафар ҳунарманд ўз таассуротлари ҳамда маҳсулотларига катта қизиқиш билдирилгани хусусида сўзлаб берди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Фурқат ТОЖИЕВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Тартиб-интизом ҳар жойда зарур. Зеро, эзгу мақсадларга ҳам, юксак самарадорликка ҳам тартиб-интизом туфайлигина эришиш мумкин. Шу боис катта ёшдагилар болаликдан онгу шууримизга масъуллик ҳиссини сингдиришга ҳаракат қилишган. "Тартибли, интизомли бўл, айтилган вазифани вақтида бажар, шунда ҳамма ишинг бароридан келади", дея бот-бот ўгит беришган. Бу бежиз эмас. Чунки инсонда ўз ишига масъулият болалигидан шаклланса, умр бўйи шу туйғу унга ҳамроҳлик қилади, ҳар бир вазифани сидқидилдан, маромига етказиб бажаришга ўрганади.

ҲАР ҚАНДАЙ ИСЛОҲОТ НАТИЖАСИ ИЖРО ИНТИЗОМИГА БОҒЛИҚ

ЭНДИ "БАЖАРАМИЗ-БАЖАРАМИЗ" ДЕГАН ҚУРУҚ САФСАТА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Лекин бундай туйғу шаклланмаса-чи? Унда кишининг ҳар бир ҳаракатини назоратга олиш, у ёки бу ишни бажар, деб ҳадеб ниқтайверишга тўғри келади. Бу аслида инсон психологияси, ички маданияти ва тарбияси билан боғлиқ жиҳатлар. Агар масалани давлат миқёсида оладиган бўлсак, кунда-кунора мамлакат тараққиёти, оддий одамлар тақдири, ҳаёти, фаровонлигига бевосита дахлдор ҳужжатлар имзоланади, қарорлар қабул қилинади. Бу ҳужжатлар қанчалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканига эса кундалик турмушимиздаги ўзгаришлар мисолида ўзимиз ҳам бевосита гувоҳ бўляпмиз.

Минг афсуски, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига айрим мутасадди идоралар ўзибўларчилик қабилида ёндашиши, ҳужжатлар ижросининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳанузгача талаб даражасида йўлга қўйилмаётгани, ўддаланмаган ишни бажарилди, дея кўзбўямачилик қилиш ҳолатлари учраб турибди. Шунингдек, Президент қарорлари ва топшириқларига риоя этиш масалаларида ҳам масъулиятсизлик ва расмиятчилик кўзга ташланмоқда, жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратилмаяпти, ижро интизомига консерватив-буйруқбозлик билан ёндашишга йўл қўйилмоқда.

ТОПШИРИҚЛАР ТЎЛИҚ, ЎЗ ВАҚТИДА ИЖРО ЭТИЛИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Нима учун бундай ҳолат юз берди, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ҳамма гап шундаки, бу борада ижро жараёнининг тадрижий назорати, ўддаланган вазифалар сарҳисобининг ягона ва мукаммал тизими мавжуд эмаслигида эди. Шунингдек, жойларда мутасаддилар топшириқларнинг асл мазмун-моҳиятини тушуниб етмаётгани, уни ижро этишда ҳар хил ёндашувлардан фойдаланаётгани ҳам бунга сабаб бўлаётганди.

Шу боис ижро интизомини мустаҳкамлаш, имзоланган ҳужжатлар ва топшириқлар ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан "Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Унга асосан, Президентнинг ҳужжатлари ва топшириқлари тўлиқ, ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга йўналтирилган мутлақо янги тизимга ўтилди. Қарор билан қатор вазирлик ва идоралар зиммасига айни шу йўналишда бир нечта вазифалар юклатилди.

Ҳужжатга кўра, ташкилот ва идоралар томонидан Президентнинг ҳар бир топшириғи ижросини таъминловчи барча ҳужжатлар битта тизимга киритилади. Тизимга киритилган ахборотлар биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилади. Топшириқлар бажарилди, деб ҳисобланганидан сўнг у тегишли тартибда ўрганилади. Агар назорат текшируви давомида топшириқлар ижроси етарлича таъминлангани қайд этилса, ушбу топшириқ назоратдан ечилади. Агар акси бўлса, топшириқни тўлиқ бажариш вазифаси билан у тегишли ташкилотга қайтарилади.

Шу билан бирга, ушбу қарор билан вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар "Ijro.gov.uz" тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан ҳар йилги давлат дастурларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш вазирлик ва идоралар олдида турган биринчи даражали масалалардан бири ҳисобланади. Бунда масъул органлар томонидан ижро интизомига қатъий риоя этилиши давлат дастурида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва бошқа тадбирларнинг сифатли бажарилишида кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

"IJRO.GOV.UZ" ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Қарор асосида яна бир янгилик жорий этилди: 2019 йил 1 январдан бошлаб республика ва ҳудудлар даражасидаги мажлис ва йиғилишлар тадбирнинг мақсади ва натижалари кўрсатилган қайдлар "Ijro.gov.uz" тизимига киритилганидан сўнг ўтказилади. Президент ҳужжатлари асосида бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар ҳам айнан шу тизимга жойлаштириб борилади.

Қайд этиш керак, "Ijro.gov.uz" тизими идораларо ижро интизоми назоратини таъминлашда муҳим ўрин тутаётир. Чунки бу тизим жуда самарали бўлиб, давлат органлари мансабдор шахслари жавобгарлиги даражасини оширади. Шу йўналишда етарли даражада очиқликни таъминлайди. Топшириқларнинг ижрочиларга етиб бориши ва бажарилган ишни раҳбариятга тақдим этиш муддатлари анча қисқарди. Регламентда белгиланган муддатларга риоя қилишда давлат органлари масъулияти ошди. Бир вақтнинг ўзида хабар алмашинувини таъминлайдиган махсус модул воситасида фойдаланувчилар ўртасида тезкор хизмат ёзишмалари амалга оширилиши иш самарадорлигини кучайтиради.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларда қонунлар, Президент ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини махсус журнал ва ҳисоб варақаларда рўйхатга олиш ҳамда ушбу ҳужжатлар бўйича назорат картотекаларининг қоғоз шаклида юритилишига барҳам берилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Президент томонидан имзоланган ҳужжатлар ижроси аҳоли, сенаторлар, депутатлар, тадбиркорлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан кузатиб борилмоқда. Шу мақсадда "jamoatfikri.uz" портали ишга туширилди. Портал орқали жамоатчилик Президент топшириқларига ўз фикрларини билдириши ва уларнинг жойлардаги ижроси юзасидан ахборотларни жойлаштириши мумкин. Ахборотлар бўйича тегишли давлат органлари тезкор чора-тадбирларни амалга оширади.

* * *

Мухтасар айтганда, энди "бажарамиз-бажарамиз" деган қуруқ сафсата билан иш битмайди. Янги тизим давлатимиз раҳбарининг мамлакат тараққиёти, инсонлар тақдирига дахлдор бўлган, оддий одамларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган топшириқларнинг ижросига панжа орасидан қараб, ўзибўларчилик кайфиятида юришдек иллатларга чек қўйди. Энг муҳими, давлат органларининг ижро масъулияти халқ кўз ўнгида бўлади ва ҳаммамиз бу жараённи бевосита кузатиб борамиз.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

ДАРАХТНИ КЕСМОҚЧИ БЎЛГАН МАНСАБДОР ҲАМ, ФУҚАРО ҲАМ АНИҚ МЕЪЁРЛАРГА АМАЛ ҚИЛАДИ

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрда қабул қилинган "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони билан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача мораторий жорий этилган эди. Шу фармон ижросини таъминлаш мақсадида куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

АГАР ҚУРИЛИШ ЭГАСИ ОБЪЕКТИДА ДАРАХТЛАРНИ КЕСИШГА ТЎҒРИ КЕЛСА, УЛАРНИНГ ЎРНИГА ДАРАХТ ЭКИШ ЗАРУР БЎЛГАН ҲУДУД ВА ЎТҚАЗИШ МУМКИН БЎЛГАН ДАРАХТ НАВЛАРИНИ ҲОКИМЛИК МУТАХАССИСЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ.

ҚАРОРДА НИМАЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН?

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўрмон фондига кирмайдиган 78 та турдаги дарахт ва бутанинг қимматбаҳо навлари рўйхати тасдиқланиши белгиланган.

— Қарорга кўра, эндиликда ҳудудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари дарахт ва буталарнинг айнан 78 та навини кесиш учун хулоса беролмайди, — деди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Саъдулла Файзуллаев. — Агар мораторий жорий этилган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари давлат қурилиш дастурларига кирган ёки нуфузли халқаро ташкилотлар, банклар томонидан молиялаштирилаётган йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун мўлжалланган ерда бўлса, истисно тариқасида, хулоса тақдим қилиши мумкин. Бунда дарахт ва буталарнинг 50 фоизини сақлаб қолиш, кўчириб ўтқазиш ёки ҳар бир кесилган дарахт учун ўнтадан кам бўлмаган дарахт компенсациясини тўлаш шартлари белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳам дарахт ва буталари кесиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш ваколатини йўқотади. Демак, ҳокимлик вакилларининг ортиқча ёки асоссиз аралашувига чек қўйилади. Шунингдек, Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали дарахт ёки буталарни кесиш бўйича аризаларни қабул қилиш ҳам тўхтатилади.

ДАРАХТ МУҲОФАЗАСИ ҲАМ БЕЛГИЛАНГАН

Бағрикенг, ерни қадрловчи ва бунёдкорликни севувчи халқмиз. Бугунги кунда юртимизда катта бунёдкорлик ишлари кетмоқда. Истаймизми-йўқми, бунда баъзи дарахтларни кесиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтқазишга тўғри келмоқда. Қарорда қурилиш соҳаси вакилларини атроф-муҳитга янада масъулиятлироқ бўлишга ундовчи бир нечта банд киритилган. 2020 йил 1 мартдан бошлаб объектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида расмийлаштириладиган ҳужжатларда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қарорларида ер участкасида ўсаётган дарахтлар сони, уларнинг аниқ координаталари, навлари, диаметри, баландлиги кўрсатилиши талаб этилади. Энди тадбиркорлар фақатгина дарахтларга оид маълумотларни эмас, балки уларни сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш бўйича чора ва талабларни ҳам келтириб ўтиши керак. Агар қурилиш эгаси объектида дарахтларни кесишга тўғри келса, уларнинг ўрнига дарахт экиш зарур бўлган ҳудуд ва ўтқазиш мумкин бўлган дарахт навларини ҳокимлик мутахассислари белгилаб беради.

Яна бир эътиборли жиҳати, турли хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан объектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида электр, газ, сув таъминоти каби муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини барпо этишда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг иштироки ва назорати янада кучаяди.

ДАРАХТЛАР ЗАРАРЛАНГАН БЎЛСА-ЧИ?

Бизни ўз неъматлари билан сийловчи табиатда гуллаш билан бирга эврилиш жараёнлари ҳам бўлиб туради. Бугун гуллаб-яшнаб турган ўсимлик муайян муддат ўтгач сўлиб қолиши мумкин. Қарорга кўра, давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда турли табиий омиллар ёки зараркунандалар, ўсимлик касалликлари таъсирида зарарланган, қуриб бораётган ёки қуриб қолган, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф туғдирувчи дарахтлар ва буталарни кесиш ёки қирқиш ишлари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосланган ҳолда фақатгина туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилади.

МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВ КУРСЛАРИДА ЎҚИТИЛАДИ

— Нотўғри шакл бериш оқибатида дарахтларга шикаст етиши, нобуд бўлиши кўп кузатилмоқда, — деди С.Файзуллаев. — Бу эса соҳа мутахассислари малакаси етишмаслигидан далолат беради. Шуни ҳисобга олиб, 2020 йилнинг 1 июнига қадар қўмитамиз томонидан Фанлар академияси билан ҳамкорликда Тошкент давлат аграр университети базасида ўқув курслари ташкил этилади. Ушбу курсларда ободонлаштириш бошқармаси ва тегишли ташкилотлар учун дарахтларни парваришлаш бўйича мутахассислар (арбористлар) тайёрланади.

Қарорда, шунингдек, иқлим ўзгаришига қараб ҳар мавсумда экиладиган дарахт навларини мунтазам янгилаб, ўзгартириб бориш ҳамда кўчириб ўтқазиш ёки компенсация тўлаш тартибларини бузган шахсларга жавобгарликни кучайтириш чоралари ҳам кўзда тутилган.

ИНСОН ВА ҚОНУН

ИЖРОДАГИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҲАЁТГА МОСЛАШИШ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрдаги "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан ўтган йили 1 январдан эътиборан ички ишлар органлари тизимида пробация хизмати ташкил этилган эди. Янги хизмат ўз фаолиятини бошлаганига ҳам бир йилдан ошди. ИИВ ЖИЭББ ҳузуридаги Пробация хизмати бошлиғи, полковник Маҳамадали Исмоилов билан суҳбатимиз мазкур хизмат фаолиятининг дастлабки якунлари ва келгуси режалар тўғрисида бўлди.

— Нисбатан қисқа давр мобайнида пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида "йўл харита"лари ва дастурлар ишлаб чиқилди, — дейди полковник Маҳамадали Исмоилов. — Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ҳамда пробация хизмати назорати остидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида"ги, Пробация хизмати ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Пробация назорати остидаги вояга етмаганлар ва ёшлар билан тизимли ҳамда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қўшма қарорлари қабул қилинди.

Назорат остидаги шахсларни касбга йўналтириш ва ўқитиш мақсадида Пробация хизмати, "Интилиш" нодавлат нотижорат республика ахборот-таълим маркази ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг қўшма қарори қабул қилиниб, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Пробация бўлинмалари назоратида турган ёшлар ўртасида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, Ёшлар иттифоқи, бандликка кўмаклашиш марказлари, хотин-қизлар қўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ёшлар иттифоқининг жойлардаги кенгашлари билан ҳамкорликда "Синовдан юксалишга қатъий қадам" шиори остида ўтказилган спорт мусобақалари ёрдамида адашган ёшларни тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат, ҳалоллик ва мустаҳкам иродани кучайтиришга эришилди.

Тадбирлар давомида назоратдаги шахсларнинг 36 минг нафардан ортиғи ҳамда уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар қўмиталари, бандликка кўмаклашиш марказлари ходимлари билан биргаликда назоратдагиларнинг оилавий шароитлари ўрганилди. Аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

— Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлаш борасида қандай кўрсаткичлар кузатилди?

— Шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этилган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назорат ўрнатилди. Қатъий тузалиш йўлига кирганини қонунларга итоаткорлиги ва меҳнатга ижобий муносабатида намоён этган 25 431 нафар назоратдаги шахс жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этилди. Масалан, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган риштонлик С. Р. белгиланган иш жойига ўз вақтида келиб, сидқидилдан меҳнат қилди. У яшайдиган маҳалла фаоллари ҳам фуқаронинг қатъий тузалиш йўлига ўтганини тасдиқлашди. Шунинг учун ўталмай қолган 1 йилу 2 ой 12 кунлик ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари озод қилинди.

Тузалиш йўлига кирмаган, жазодан бўйин товлаб юрган 4 127 нафар назоратдаги шахснинг ўталмай қолган муддати жазонинг бошқа турига алмаштирилди. Мисол учун, Бухоро туманида яшаган, озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган П. Р. жазони ўташ даврида суд томонидан белгиланган чекловларга риоя қилмади. Пробация инспектори томонидан бир неча маротаба унинг яшаш хонадонида йўқлиги аниқланди. Шу сабабли унга тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган қисми шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган О. Р. Нурота туманидаги "Қурилиш инвест" корхонасига ишга жойлаштирилиб, унга жазони ўташ тартиби тўғрисида тушунтиришлар берилди. Шунга қарамай, белгиланган иш жойига сабабсиз келмасдан, жазони ўташдан бўйин товлаб юрди. Шунинг учун унга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 2 йил 1 ой 23 куни ўрнига шу муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Ҳамкорликда олиб борилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида назоратдаги шахслардан 89,5 фоизининг тузалиш йўлига ўтишига эришилди. Улар томонидан қайта жиноят содир этилиши ҳолатлари ўтган йилларга таққосланганда камайиши кузатилди. Назоратдаги шахсларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитлари ўрганилди. Уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун ёрдам кўрсатилди. Бу эса соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг меҳнати бесамар бўлмаётганидан далолат беради.

— Пробация назоратидаги шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилди?

— Пробация бўлинмалари ходимлари томонидан 1 008 маротаба "Ишга марҳамат" тадбири ташкил этилиб, назоратдаги шахслардан 7 839 нафари ишга жойлаштирилди ва 9 090 нафарига ишга йўлланма берилди. Бундан ташқари, муайян касбга эга бўлмаган 4 555 нафар назоратдаги шахсдан 3 794 нафари касб-ҳунарга ўқитилди.

— Соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва хизмат самарадорлигини ошириш борасида бу йил қандай чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?

— Пробация бўлинмаларининг раҳбарлик лавозимларини ишни янгича ёндашув асосида ташкил эта оладиган, юқори малакали кадрлар билан жамлаш давом эттирилади. Соҳада инсон омили билан боғлиқ ҳолатларга барҳам бериш ишлари жадаллаштирилади. Шу жумладан, пробация назоратидаги шахсларнинг ҳисобини юритиш ҳамда назорат қилиш, уларнинг ижтимоий-психологик портретларини умумлаштириш ва фойдаланиш имконини берувчи пробациянинг марказлашган электрон тизими тўлиқ жорий этилади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари, ички ишлар органлари таянч пунктлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, бандликка кўмаклашиш марказлари билан яқин ҳамкорликда ишлаш бўйича намунавий пробация бўлинмалари ташкил этилади.

Пробация бўлинмалари ходимлари фаолияти устидан техник назоратни амалга ошириш бўйича видеокузатув воситалари (видеокузатув хонаси), ортиқча қоғозбозликларга барҳам бериш ва электрон иш юритиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида планшетлар, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори, ҳаракатлари ва алкоголь маҳсулотини истеъмол қилмаслигини электрон назорат қилиш бўйича замонавий техник воситалар (электрон браслетлар) синовдан ўтказилади.

Бундан ташқари, пробация фаолияти устидан жамоат назорати механизмлари кучайтирилади. Тизим ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш мезонлари ва рейтинг тизими жорий этилади. Пробация хизмати сайтини ташкил этиш орқали тизимда амалга оширилаётган ишлар ва фаолият натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши жадаллаштирилади.

Бобомурод ТОШЕВ суҳбатлашди.

Мажмуа марказида ўзбек аёлининг матонати тимсоли бўлган юртдошимиз Зулфия ая Зокирова, унинг урушдан қайтмаган беш фарзанди ҳамда бева қолган тўрт келини шарафига "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуаси қад ростлайди

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 22 февраль, 21-сон

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ҚАҲРАМОНЛАР НОМИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Рисолат МАДИЕВА

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, мудҳиш издиҳомдан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида машаққатли меҳнат қилган, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган ватандошларимизга ғамхўрлик кўрсатиш қадриятимизга айланиб улгурган. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда: "Ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, буюк Ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади. Минг-минглаб жасур ота-боболаримиз дунёдаги кўплаб халқлар қаторида бу мудҳиш урушда чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бу сўнмас жасорат... биз учун мардлик мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади", дея таъкидлагани бежиз эмас.

Юртимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Олмазор туманида ўзбек халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси, даҳшатли урушнинг мудҳиш оқибатлари, фронторти машаққатлари ҳамда ўша оғир йилларнинг бор заҳматини елкасида кўтарган инсонлар жасорати шарафига **Ғалаба боғи** бунёд этилмоқда.

Айни пайтда 16 гектар майдонда қурилиш ишлари жадал олиб бориляпти. 12-қурилиш трестининг мингдан ортиқ ишчи ва хизматчиси, 100 га яқин техника бу ишга сафарбар этилган.

Марказий хиёбон рамзий дарвоза шаклидаги **Ғалаба аркасидан** бошланади. У миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилади ва унда ўша даврга хос тарихий манзаралар акс эттирилади. Асосий йўлакнинг ҳар икки томонига уруш мавзусини, ватандошларимизнинг фронтдаги ва фронтортидаги қаҳрамонлиги, жасорати ва матонатини акс эттирувчи паннолар жойлаштирилади.

Боғнинг бир бўлгасида **"Уруш, номинг ўчсин жаҳонда!"** шиори остида уруш даҳшатларини очиб берувчи лавҳалар намойиш этиладиган экранлар қўйилади. **"Қаҳрамонлар номи мангу барҳаёт"** дея номланган қисмида эса урушда ҳалок бўлган, жанг-гоҳлардан ярадор бўлиб келган юртдошларимиз, ота-онасидан айрилган фарзандлар, бева қолган келинчаклар бошига тушган мусибат, душман концлагерларида азобланган ватандошларимиз матонати акс эттирилган монументал ҳайкаллар ва бошқа композициялар ўрин олади. Мажмуа марказида ўзбек аёлининг матонати тимсоли бўлган юртдошимиз Зулфия ая Зокирова, унинг урушдан қайтмаган беш фарзанди ҳамда бева қолган тўрт келини шарафига **"Матонат мадҳияси"** ёдгорлик мажмуаси қад ростлайди. Бу мажмуа сабр-бардош, метин ирода ҳақидаги энг гўзал тошбитик достон бўлиши, шубҳасиз.

Президентимиз айтганидек, Ўзбекистон аҳли уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин инсонга бошпана бериб, ўз нонини улар билан баҳам кўрган. Айниқса, ота-онаси, оиласидан жудо бўлган 200 минг нафар бегуноҳ болани "Сен етим эмассан!" деб бағрига босиб, меҳр-мурувват кўрсатди. Айни шу манзара боғ ҳудудидаги инсталляция ва музей экспонатларида ўз ифодасини топади. Бу мард ва танти халқимизнинг буюклиги, бағрикенглиги тимсоли бўлади.

— Музей экспонатларини мудофаа ишлари бошқармалари, жойлардаги идора ва ташкилотлар кўмагида жамлаяпмиз, — дейди Мудофаа вазирлиги Маънавият-маърифат маркази бошлиғи Шуҳрат Юсупов. — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг яқинлари тақдим этган ашёлар сони ўн мингдан ошди. Маданият вазирлиги тасарруфидаги ўнлаб музейлар Иккинчи жаҳон урушига оид ўзида сақланаётган осори-атиқалар, ашёларни ҳам янги Шон-шараф музейи билан баҳам кўрмоқда.

Ғалаба боғида уруш даври қурол-аслаҳалари, жумладан, артиллерия, зенит қурилмалари, душман кўнглига ғулғула солган афсонавий "Катюша", Т-34 танклари ҳамда ЯК-2 қирувчи самолёти, Тошкентда ишлаб чиқарилган ИЛ-2 транспорт самолёти, автомашиналар очиқ майдонда намойиш этилади. Уруш ҳудудларидан аҳолини, саноат объектларини, яраланган аскарларни кўчириш, Ўзбекистондан фронтга жанговар техника, ўқ-дори, озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармон етказиб бериш лавҳаларини ўзида акс эттирадиган **Темир йўл вокзали** композицияси даҳшатли даврнинг кечинмаларига ошно бўлиш, кўнгилдан ўтказишга ёрдам беради.

Боғнинг турли бурчакларида миллий анъаналарга хос айвонлар қурилади ҳамда интерактив маълумотлар улашувчи замонавий электрон қурилмалар билан жиҳозланади. Тарихий муҳитни ҳис этишга ундайдиган ҳарбий мусиқалар янграйди, уруш даврига оид маълумотлар бериб борилади.

Айтиш мумкинки, бунёд этилаётган Ғалаба боғи ватандошларимизнинг буюк жасорати ва матонатини бугунги авлодлар қалбига сингдирадиган, ҳозирги фаровон, тинч-хотиржам ҳаётимизга шукроналик ҳиссини уйғотадиган маскан бўлади.

"ОЗАРБАЙЖОНДА АЛИШЕР НАВОИЙНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИДАН КАМ СЕВМАЙДИ"

Бошланиши 1-бетда

Озарбайжонда ҳам буюк ўзбек шоири ижоди юзасидан олимлар ва тарихчилар жуда чуқур илмий изланишлар олиб бораётгани, асарларини озарбайжон тилига таржима қилаётгани айтиб ўтилди.

— Бизнинг юртимизда ҳам Алишер Навоийни Ўзбекистондагидан кам севмайди, — деди И.Габиббейли. — Буюк ўзбек шоирининг бетакрор ижоди Озарбайжон адабиётининг тараққиёти ва ривожида муҳим ўрин тутади. Шоирнинг жуда кўплаб асарлари бизнинг тилимизга таржима қилиниб, халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Боку шаҳрида Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида таъкидлаганидек, Алишер Навоий икки халқнинг буюк намояндасидир. Биз учун Навоий Низомий ва Насимий издоши, Фузулий учун ижод манбаи бўлган. Улар буюк мутафаккир сифатида икки халқнинг адабий алоқалари бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлашда мустаҳкам кўприк ўрнатган. Аждодларимизнинг бой адабий ва маънавий мероси бизни буюк ва ёруғ келажак сари олиб боради.

Шу куни Озарбайжон Миллий илмлар академиясида Ўзбекистон ва Озарбайжон илмий доираси вакиллари ва ижодкорлари иштирокида Алишер Навоийнинг бебаҳо адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуман ҳам ташкил этилди.

Семинарда сўзга чиққан олимлар буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбобининг ҳаёти ва ижодий фаолияти, шунингдек, унинг жаҳон маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Озарбайжон Миллий илмлар академиясида Алишер Навоий номидаги адабиётшунослик тадқиқот маркази очилди. Буюк мутафаккир шоиримизнинг юртимизда чоп этилган юздан зиёд китоблари ушбу марказга совға қилинди.

Анжуманда ўзбек адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Озарбайжон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди Акиф Зейнал ўғли Багиров ҳамда филология фанлари доктори, профессор Алмаз Улви Биннатова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолигига қабул қилиниб, уларга Ёзувчилар уюшмасининг миннатдорлик мактуби топширилди.

— Алишер Навоий нафақат сўз мулкининг султони, балки мутафаккир ва донишманд зотдир, — дейди Акиф Зейнал ўғли Багиров. — Ўзбек-Озарбайжон маданий ва адабий алоқаларининг ўша даврдаги асосчиларидан бири Алишер Навоий ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатингизда Президентингиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан адабиётга, китобхонликка, умуман олганда маънавиятга жуда катта эътибор қаратилаётганидан хабардорман. Бу эса аввало, қардош халқлар ўртасидаги маданий, адабий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам замин бўлмоқда. Мана шу алоқаларни бугунги кунда янада ривожлантириш, Алишер Навоий ижодини ўрганиш борасида олиб бораётган камтарона меҳнатимни эътироф этиб, мени Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзолигига қабул қилиб, билдирган юксак ишонч учун қардошларимдан чексиз миннатдорман.

— Алишер Навоий асарлари ўзбек ва озарбайжон тилларида бир хил жозибадорликда жаранглайди, — дейди Алмаз Улви Биннатова. — Ҳазрат Навоий таваллудининг 579 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқаро семинарда Навоий ижодининг нозик қирралари ҳақида сўз борди. Бундан кейин ҳам бу борадаги илмий тадқиқотларни давом эттириш бўйича келишиб олинди. Ўзбек ижодкорларининг мени Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоси этиб қабул қилгани ҳаётимдаги ўчмас воқеалардан бири бўлиб қолади.

Шунингдек, тадбирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат Сирожиддиновга Низомий Ганжавий номидаги Озарбайжон адабиёт институтининг фахрий доктори унвони берилди.

Тадбирлар доирасида Алишер Навоийнинг ўзбек ва озарбайжон тилларида чоп этилган китоблари тақдимоти ҳамда ўзбек халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

ПАТРОНАЖ ОЙЛИГИ

Баҳор ХИДИРОВА

Онкологик касалликлар бутун дунёда долзарб тиббий-ижтимоий муаммодир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, бундай касалликларга чалиниш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Дунёда ҳар йили 15 миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 100 мингдан ортиқ бемор онкологик касалликлар бўйича ҳисобда туради.

САРАТОН ХАСТАЛИГИ БАРВАҚТ АНИҚЛАНАДИ

БУТУН ДУНЁДА БЎЛГАНИ КАБИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ ВА УЗОҚ УМР КЕЧИРИШИГА ТАЪСИР ЭТАЁТГАН БУ ХАСТАЛИКНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШГАН УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ, ТИББИЙ СКРИНИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Шу боис, ушбу муаммога қарши курашиш нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси, балки бутун жамият олдига катта вазифаларни қўймоқда. Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам аҳолининг соғлом ва узоқ умр кечиришига таъсир этаётган бу хасталикни барвақт аниқлаш ва даволашнинг такомиллашган усулларини яратиш, тиббий скринингни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада ўз ечимини кутаётган устувор вазифалар ижроси учун муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар изчил амалга оширилиши натижасида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиаллари фаолияти тубдан такомиллашмоқда. Ҳудудларда онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг лойиҳалари амалга оширилмоқда. Миллий эмлаш тақвимимизга бачадон бўйни саратонининг олдини олиш мақсадида папиллома вирусига қарши эмлаш жорий этилди.

Шу кунларда ҳудудларда бўлиб ўтаётган онкологик патронаж ойлиги ана шундай ишларнинг узвий давомидир. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ушбу ойлик доирасида бугунги кунгача Нишон, Қарши ва Косон туманларида саратон олди ва саратон касаллиги билан диспансер назоратига олинган беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Онкологик патронаж ойлиги вилоятнинг барча туманларида ўтказилади.

— Ойлик доирасида олимлар ва малакали мутахассислар ҳудудларга чиқиб, маҳаллий шифокорлар билан ҳамкорликда аҳоли орасида, оилаларда касалликнинг олдини олиш, аҳолининг ўз соғлиғига эътибори ва масъулиятини кучайтириш, тиббий маданиятини юксалтириш, тиббиётимизнинг замонавий ютуқларидан ҳар бир инсонни баҳраманд этиш борасида тиббий кўмак ва тарғибот ишларини олиб бормоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали директори Адҳам Пармонов. — Туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар ультратовуш таҳлил, флюорография, рақамли рентген каби замонавий тиббий диагностика технологиялари билан жиҳозлангани тиббий кўрикни юқори савияда ташкил этишга хизмат қилаётир.

Кўрик жараёнида ихтисослашган тиббий ёрдамга муҳтож беморлар аниқланса, уларга вилоятнинг ўзида малакали кўмак кўрсатиш имконияти мавжуд. Бугунги кунда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиалида жаҳон илм-фани ва тиббиётининг илғор технологиялари асосида диагностика ва даволашнинг янги усуллари кенг қўлланилмоқда. Ушбу ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдамдан ўтган йили ўн беш минг нафардан кўпроқ аҳоли баҳраманд бўлган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 705.
36 333 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 01:35 Топширилди — 03:15 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Навбатчи: Соҳиба Муллаева
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15